

XX АСРДА ТУЗИЛГАН КАТАЛОГЛАРДА ИСЛОМ МАНБАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Раматжонова Мухлиса Рихсибой қизи

Ўзбекистон халқаро

ислом академияси битирувчиси

тел: 97 342-94-25

Аннотация: Мазкур мақолада Европа шарқшунослари томонидан XX асрда тузилган каталоглар ҳақида сўз юритилади. Ушбу каталогларнинг таркибий тузилиши, унда келтирилган исломга оид манбалар таснифи ҳақида маълумотлар берилган. Фиҳристарнинг қўлёзма манбаларни топишда аҳамиятли эканлиги ҳақида ҳам сўз юритилган.

Калит сўзлар: фиҳрист, қўлёзма, шарқшунос, Чарльз Стори, библиографик манбалар, Карл Броккельман, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фиқҳ, ақида, тасаввуф.

Дунё илм-фани ривожиди Марказий Осиё олимлари салмоқли из қолдирганлар. Айниқса, улар томонидан таълиф этилган ислом илмларига оид ёзма манбалар мусулмон ренессанси учун муҳим аҳамият касб этган. Улар қолдирган ёзма мерос дунё бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, бир қисми Европа мамлакатларида сақланади. Бу бебаҳо мерос мусулмонлар яшайдиган мамлакатлардан мустамлакачилик ва савдогарлар сабабли Ғарб мамлакатларига чиқиб кетган. Қомусий алломаларимиз ҳақида Ғарб мамлакатларида олиб борилган тадқиқотлар аждодларимиз меросини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Дунёнинг турли ҳудудларига тарқалиб кетган қўлёзмалар ҳақида бирламчи маълумотлар шарқшунос олимлар томонидан тузилган каталогларда ўз аксини топган. Албатта каталоглар муайян фонд ёки мавзу доирасидан келиб чиқиб тузилган.

Европа шарқшунослари томонидан XX асрда ҳам Ўрта Осиёда яратилган ва Европада сақланаётган қўлёзмаларга оид каталоглар тузилган.

Масалан, француз олими Эдгар Блошенинг “Форс тилидаги манбалар каталоги” 1905 йилда нашр этилган бўлиб, мазкур икки жилдли каталог ҳозирда Парижда сақланаётган форс қўлёзмалари асосида тузилган. Унда тўпламини ташкил қилувчи барча объектлар услубий тавсифи берилди. Иккинчи жиллдаги умумий кириш унвон ва

муаллифларнинг номлари берилган икки томонлама алифбо билан яқунланади.

Чарльз Стори⁷³ ўзининг “Форс адабиёти” асарида форс тилида ёзилган манбалар ва уларнинг муаллифлари тўғрисида қимматли маълумотлар берган.

Форс ва тожик адабиёти тарихи тахминан 12 асрдан буён мавжуд ва турли ҳудудларга тарқалган. Булар: Эрон, Марказий Осиё, шунингдек, Ҳиндистон, Афғонистон, Шарқий Туркистон, Туркия, Кавказ давлатлари. Аммо, бу соҳа кам ўрганилган. Бу ҳақидаги маълумотларнинг кўп қисми фақат қўлёзмаларда сақланиб қолган. Қўлёзмалар кўп ўрганилмаган, қўлёзмаларнинг тавсифи, унинг мазмунини кўп мутахассислар ўрганишмаган. Улар асосан қўлёзмалар ҳақида қисқа маълумотномалар тузишган. Мазкур маълумотномаларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1) Қўлёзмалар ҳақидаги каталоглар;

2) Биобиблиографик мавзули маълумотномалар, уларда муаллиф биографияси, асарлари, уларнинг нашрлари ва таржималари ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Шу турга мансуб тадқиқотга Карл Броккельманнинг “Араб адабиёти тарихи” асарини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Чарльз Стори ҳаётининг деярли қирқ йилини форс тилидаги бадиий, илмий, диний ва бошқа соҳалардаги манбаларни тўплаб, манбалар таснифи ва тавсифи билан шуғулланган. Унинг тадқиқотида манбалар таснифи қуйидагича берилган:

1. Куръонга оид адабиётлар;

2. Умумий тарих; пайғамбарлар ва илк ислом;

3. Эрон ва бошқа давлатлар тарихи (Ҳиндистондан ташқари);

4. Ҳиндистон тарихи;

5. Биографик асарлар;

6. Математика; ўлчовлар ва оғирликлар; астрономия ва астрология; география.

Стори изланишлари давомида ўз давригача яратилган фиҳристарлар билан танишиб, ишида 159 та қўлёзмалар каталогидан фойдаланган.

⁷³ Чарльз Амброуз Стори арабист, 1888 йилда Дарем (Durham) яқинида туғилган. 1913 йилда Кембридж университетини тамолаган. Стори грек, латин ва бир қатор шарқ тилларини ўрганган ва 1914 йилдан Алигарх ва Ҳиндистондаги Англо-Мухаммад Шарқ коллежида араб тили бўйича ўқитувчи бўлиб фаолият юритган. 1919 йилда Англияга қайтади ва Лондондаги Ҳинд ваколатхонаси кутубхонасида директор ўринбосари сифатида иш юритади. 1933 йилда Кембридж университетиде профессор лавозимида ишлайди, университетдаги араб тили кафедрасини 1947 йилгача, яъни нафақага чиқкунча бошқаради. Умрининг сўнгги йилларини Ҳоувда ўтказди ва шу ерда 19667 йил 24 апрелда вафот этади. Стори қолдирган кутубхонаси ва шахсий қўлёзма материалларини Осиё Қироллик жамиятига васият қилди.

Улардан 93 таси Ғарбий Европа, СССР, АҚШда, 27 таси Ҳиндистонда, 31 таси Туркияда, 3 таси Мисрда, 5 таси Эронда тайёрланган. Стори форс тилидаги босма асарлар каталогига ҳам эътибор қаратди, аммо уларнинг сони ўша даврда жуда кам эди. Улардан 6 таси машҳур, 4 таси Европа ва Америкада тайёрланган. Стори тузган каталог мутахассислар томонидан юксак баҳоланган. Броккельман асаридан асосий фарқли томони хронологик ва географик тартибда берилганлигидир. В.Ф.Минорскийнинг сўзлари билан айтганда, Сторининг асари ўқиш учун эмас, балки ўрганиш ва маълумот олиш учундир. Биз унинг асари орқали каталогларда кам учрайдиган муаллиф, асар қуйидаги тўлиқ маълумотларни олишимиз мумкин.

Мутахассислар мазкур асар орқали фанлар тарихи (тарихшунослик, география, математика ва астрономия ва бошқалар) ҳақида муҳим маълумотларни олиш мумкинлигини қайд этишган. Айниқса эрон тарихшунослиги бўйича муҳим маълумотлар олишимиз мумкин. Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Марказий Осиё тарихи ҳақида ва улар тўғрисида ёзилган манбалар ҳақида билиб олиш имконига эга бўламиз;

Ушбу асарда манбаларнинг таржималари рўйхати ҳам бериб ўтилган, бу орқали кейинги изланишлар учун йўналиш олиш мумкин;

Ундан муҳим фактга асосланган маълумотларни олишимиз мумкин.

Карл Броккельман⁷⁴нинг “Араб адабиёти тарихи” асарида араб тилида ижод қилган ўрта осийлик алломалар ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар берилган. Карл Броккельманнинг “Араб адабиёти тарихи” асари энг муҳим тадқиқотлардан бири ҳисобланиб, унда VIII-X асрда яшаб, араб миллатига мансуб ва араб тилида асар ёзган ажам ёзувчи ва олимлар ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Рус шарқшуноси И.Ю.Крачковский фикрига кўра ушбу асар “фанни даврлаштирган” манба ҳисобланади, - деган эди⁷⁵.

Карл Броккельман ўзининг “Араб адабиёти тарихи” асарида араб тилида ижод қилган ва ислом илмларига оид манбалар ёзиб қолдирган ўрта осийлик алломалар ва уларнинг асарларини келтириб ўтган. Унинг тадқиқотида исломшуносликка оид илмлар қуйидагича таснифланган:

1. Қуръоншунослик;

⁷⁴ Brockelmann Geschichte der arabischen Litteratur Zweiter Supplementband 2 Leiden 1938

⁷⁵ И.Ю.Крачковский “Арабская географическая литература” – Москва, вост. лит., 2004. -Ст. 543-547.

2. Ҳадисшунослик;
3. Фикҳ;
4. Ақида;
5. Тасаввуф.

Чарльз Ръё⁷⁶ Британия музейи фондидаги қўлёзмаларни, Г.Флюгель ва У.Перч⁷⁷ Берлин кутубхонасидаги, Г.Этье ва Отто Лотз Ҳинд ваколатхонаси кутубхонасидаги, Э.Блоше Париж Миллий кутубхонасидаги манбаларнинг каталогларини тузганлар.

Мазкур кутубхоналар коллекциясидан кўриниб турибдики, фондда кўпгина Марказий Осиё олимлари томонидан яратилган асарлар ҳам мавжуд. Уларни батафсил ўрганиш бугунги кун исломшунос, манбашунос мутахассислари учун юксак ва масъулиятли вазифаларни юклайди.

Умуман олганда, Мовароуннаҳр олимлари томонидан яратилиб, бугунги кунгача етиб келган исломшуносликка оид ёзма мероснинг 200 тага яқин қўлёзмалари бугунги кунда Европа мамлакатларида жойлашган кутубхоналарнинг мулкига айланган. Улар ичида фикҳ ва тасаввуф соҳасида таълиф этилган асарлар салмоқли ўрин тутди.

Биз ўрганиб чиққан каталогларни тасниф қилсак, Чарльз Ръё каталогида дастлаб қўлёзманинг инвентарь рақами, ўлчами, варақлар сони, хат тури берилган. Кейин ёзилган санаси, муаллиф номи, бошланиши, қайси каталогларда учраши ва котиб ҳақида маълумот берилган.

Карл Броккельманнинг “Араб адабиёти тарихи” асарида аллома ҳақида биографик маълумот, асарлари, асарларга ёзилган шарҳлар ва уларнинг қаерларда сақланиши ҳақида маълумотлар берилган.

Ушбу каталоглар орасида Чарльз Ръё, У.Перч, Г.Этье, Отто Лотз, Броун, Э.Блоше, Г.Флюгель каталоглари услуб жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ва юқорида Ч.Стори классификациясининг биринчи турига мансуб.

Ч.Стори ва Карл Броккельман асарлари эса юқоридаги каталоглардан кўпроқ маълумот бериши билан фарқланади. Уларнинг асарларининг аҳамиятли жиҳати муаллиф ҳақида тўлиқ биографик маълумотлар бериши ва асарнинг нусхалари ҳақида маълумот берувчи бошқа манбалар ҳам қайд этилганлигидир.

⁷⁶ Rieu Ch. Supplement to the catalogue of the Persian manuscripts in the British museum. London: 1895

⁷⁷ Flugel G. Die Arabischen, Persischen und Turkischen Handschriften der Kaiserlich-koniglichen Hofbibliothek zu Wien. 1865

Албатта, меросларнинг энг афзали – илмий ва маънавий меросдир. Қўлёзмалар ҳам илмий мерос ҳисобланиб, аجدодларимиздан бизгача турли шаклларда етиб келган. Улар бизга ўз давридаги ижтимоий-маънавий ва илмий муҳитни очиб берадиган асосий омиллардан ҳисобланади. Шу жумладан, юртимизда таълиф этилган ислом илмларига оид қўлёзмалар ҳам ўша пайтда истиқомат қилган аҳолининг диний савияси, динга бўлган муносабатини ёритиб бериш билан бирга биз билмаган маълумотларни ўрганишимизга ёрдам беради. Бундай қўлёзмалар бошқа минтақаларга ҳам тарқалган бўлиб, айниқса Европа каби узоқ ўлкаларга ҳам етиб борганлиги уларнинг қадри нақадар баланд эканлигини исботлайди. Зеро муҳим нарсаларгина узоқ юртларга олиб кетилиши мумкин. Улар ҳозирги кунда ҳам вақт ва илмий жиҳатдан жуда юқори баҳоланади.

Ушбу мақолада келтирилган Европа фондларида сақланаётган манбалар ҳақидаги маълумотлар Марказий Осиё олимларининг Европадаги қўлёзмалари ҳақида бирламчи хулосаларни бойитишга хизмат қилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Rieu Ch. Supplement to the catalogue of the Persian manuscripts in the British museum. London: 1895
2. Brockelmann Geschichte der arabischen Litteratur Zweiter Supplementband 2 Leiden 1938
3. И.Ю.Крачковский “Арабская географическая литература” – Москва, вост. лит., 2004. -Ст. 543-547.
4. Flugel G. Die Arabischen, Persischen und Turkischen Handschriften der Kaiserlich-koniglichen Hofbibliotek zu Wien. 1865